



**«У Зот азза ва жалланинг «...Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин» (Исро сураси, 29-оят) деган қавли ҳақида Мужоҳид: «Молинг сен ва Роббинг ўртасидаги нарсада маломат қилинган ҳолида, ўзингга маломатчи бўлган ҳолда кетди», дер эди».**

Қуръони Каримнинг Исро сурасидаги **«Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин»** деган оятнинг мазмуни сўралганда, улуғ тобеъинлардан Мужоҳид розияллоҳу анҳу шундай жавоб берганлар: «Бунинг мазмуни, молинг беҳудага, маломатга учрайдиган ишларга ишлатилгани – сен билан Аллоҳнинг ўртасидаги савобли нарсага ишлатилмаганидир. Яъни Аллоҳ сенга мол-мулк берган эди, садақа қилиш имконинг бор эди, садақага ваъда қилинган даражаларга эришиш ва жаннатга кириш имкониятинг бор эди. Бироқ сен садақа қилмадинг, бошқа нарсага ишлатдинг. Энди сенда маломат, ҳасрат қолди, холос».

Бу ерда келган маъно ояти кариманинг маъноларидан фақат биридир. Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳи оятнинг молни ноўрин сарфлашдан қайтариш маъносини айтганлар. Шу билан бирга, мазкур ояти кариманинг бошқа маънолари ҳам бор. Келинг, ўша оятнинг тўлиқ тафсирини ўрганайлик.

Аллоҳ таоло Исро сурасида айтади:

**«Қўлингни бўйнингга боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма. Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин» (29-оят).**

Бу ояти каримада пулу мол сарфи аслида қандай бўлиши кераклиги баён қилинмоқда.

**«Қўлингни бўйнингга боғлаб олма».**

Яъни бахил бўлма. Оятда бахиллик жуда ажойиб бир тамсил ила васф қилинмоқда. Қўлини бўйнига боғлаб олган одам ҳеч қачон ҳамёнига қўл сололмайди ва ундан пул олиб, бировга нафақа бера олмайди.

Демак, бахил одам «Кутилмаганда ҳамёнимга қўл солиб, бировга пул бериб юбормай» деб, қўлини бўйнига боғлаб олган кишига ўхшатишмоқда.

**«Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма».**

Яъни қўлингни бир йўла ёзиб, бор-йўғингни бошқаларга бериб, тугатиб ҳам қўйма.

**«Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин».**

Ўйламасдан, борини беҳуда сарфлаб, сариқ чақасиз қолган одам маломатга учрайди. Уни ҳамма маломат қилади. Нотўғри ва ноўрин тасарруфини қоралайди.

Шунингдек, вақт ўтгандан кейин унинг ўзи ҳам қилган ишига пушаймон бўлиб, ҳасрат-надомат чекади. Исломда ҳар бир нарсани меъёрида қилиш тавсия этилади.

Бир нарсани жуда ошириб ҳам юборилмайди ёки, аксинча, жуда йўқ даражага ҳам тушириб қўйилмайди. Балки ўртача ва меъёрида адо этилади.

**Эслатма:** Бу китобда энг афзал асрда яшаб, ижтимоий муомалалар бўйича оламга олий мақом намуна тақдим этган кишилардан нақл қилинган тарбия, ахлоқ ва одобга тўла матнлар жамланган. Уларни ҳаётимизга татбиқ қилишга муваффақ айласин!

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.